

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Қонунчилек ва ҳукуқ-тартибот учун!

ДОСИЕ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИВ НАШРИ



№ 44 (3416)



2001 йил 1 ноябрь, пайшанба



Сотувда эркин нархда



Бош муҳаррир минбари

"СИЗ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ШАРОИТИДА ЯШАЯПСИЗ!"

"Бош муҳаррир минбари" рукни остида ёритилаётган навбатдаги мақола учун сарлавҳа вазифасини ўтаган ушбу иборани қўшнимининг Россия Федерацияси республикаларидан бири – Бошқирдистондан келган меҳмони айтди.

Бунгача эса миллий одатимизга кўра мўътабар меҳмон шарафига бир неча марта зиёфат ўюширилиб, тўкин дастурхон атрофида турмуш, оила юмуллари, вояғи етаётган фарзандлар ҳакида сұхбатлар куриши. Мазкур мулокотлар чоғида, айниқса, дастлабки кунлар у шахардаги тунги осойишталикка разм солар экан, ҳайратга тушганча шундай деди:

– Шу даражада ёлғон гапириш мумкинми ахир! Бу ерга келаётганимда айрим дўстларим ва танишларим ҳозир Ўзбекистон фронтга яқин мамлакатга айланган, дейишиди. Баъзи телеканаллар ва газеталар уларнинг бошини қай даражада айлантириб кўйганини кўраяпсизми...

Меҳмон Ўзбекистонга илк бор келганини инобатга олган қўшним кисқа муддатли таътилга чиқди ва уни яқинда сотиб олган "Нексия"-сида Тошкент–Самарқанд–Бухоро–Хива анъанавий йўналиш бўйлаб айлантириб чиқди.

– Жуда ажойиб машина, – деди ҳамрохи машинага ўтираётib, – бизда унга эҳтиёж катта.

Саёҳатчиларимиз орадан беш кунлар ўтгач, қайтиб келишиди. Рамазондан (меҳмоннинг исми шундай) ўз таассуротлари билан ўртоқлашишин илтимос қўлганимда ҳаяжонини яшира олмади.

– Биласизми, – деди у, – кейинги йилларда Бошқирдистонда ҳам кўп нарсалар ўзгарди. Қишлоқ ва шаҳарлар чирой очмоқда, янги объектлар курилаяпти. Аммо Ўзбекистонда кўрганларимни бошка бирорта жой билан киёслаб бўлмайди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларда бўлганимда мамлакатингизда одамлар қандай яшаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Уларнинг очиқкўнгил ва меҳмондўстлиги қалбимда фарҳ туйгусини уйғотди. Менга умуман нотаниши бўлган одамлар хонадонига таклиф килиб, нон-туз билан сийладилар.

Ёш имрӯздан ошгунга қадар Оврўпа ва Осиёнинг талайгина мамлакатларида бўлишимга тўғри келди. Аммо қаерга бормай илгари ушбу юртга ташриф буормаганимдан афсусланмаган эдим. Аммо Ўзбекистонга илгари келмаганимдан афсусдаман.

Ушбу гўшада ажойиб инсонлар билан таниши баҳтига мушарраф бўлдим. Кўши Афғонистонда АҚШ ва Буюк Британия давлатлари халқаро коалиция мамлакатлари кўмагида антитерористик операциялар олиб бораётганига қарамай Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик хукм суроётгани, одамлар яратувчилик меҳнати билан машғул эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Ушбу меҳнат натижалари эса якъол кўзус ташланиб турибди. Биз қадимий, аммо ҳозирда ўзбекистонликлар хоҳиш-иродаси билан яшашиб кетган Буюк Ипак йўлларининг Оврўпада Автобан деб ёритилаётган замонавий автомобиль йўлидан бораётганимиз. Йўл ёқасида қад кўтартган турли аҳамиятга молик объектлар хусусида кўп гапириш мумкин... Аммо ўзбекистонликларнинг фарзандлари таълим олаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бинолари ҳакида илик сўзларни айтгим келади. Уларга бокири Республика раҳбарияти Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодга, кадрлар тайёрлаш масаласига нечоғли катта эътибор берадиганини билди олиш қийин эмас.

Мамлакатингизда бўлиб ҳайратга тушганимнинг боиси бор. Айрим Россия оммавий ахборот воситаларида ёритилган, амалда эса Афғонистон ва унинг Ўзбекистон билан чегарасидаги воқеалар нотўғри талкини этилган ташвиши хабарлардан бирор ташвирига тушган эдим. Аммо ишонтириб айтаманки, бундай нарсаларга дуч келмадим.

Мен мулокотда бўлган фуқаролар ислоҳотларни амалга ошириш билан машғул ва улардан бирортаси саросимага тушганини айтмади. Тўғри, кўши Афғонистонда рўй берадиганини айтадиган эди. Мен бунинг акси эканлиги, Ўзбекистон фронтга яқин мамлакат, "оловли" нуқта эмас, балки фаровон, тинч ва осойишта ўлка бўлиб, бу юртда ўз Ватани гуллабяшинашига муносиб хисса кўшадиган меҳнаткаш ва мард одамлар яшаётганига ишонч ҳосил қилдим.

Вақтим етишмаганилиги туфайли маҳаллий матбуот билан яқиндан таниши олмаганимдан афсусдаман. Аммо уларсиз ҳам, оддий одамлар билан бўлган сұхбатлар чоғида ўзбекистонликлар республика раҳбарияти томонидан қабул қилинётган қарорлар ҳаётӣ ва сермазмун эканлиги, улар аҳолининг яратувчилик меҳнати билан шугулланиши, ўз мамлакатининг буюк келажагини яратиш учун интилишига асослангани билан ажralиб туришини билиб олдим. Барчангизга мавжуд муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишда омад, мусаффо осмон ва мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини куришга йўналтирилган яратувчилик меҳнатида янгидан янги мувaffакиятлар тилайман.

Учинчи мингийилликнинг дастлабки йили яқунланаётган шу кунларда мустақил Ватанимиз тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил боромокда. Мамлакатимизда юксак мақсадларга эришиш учун барча имкониятлар ишга солинмокда.



Учинчи

мингийилликнинг
дастлабки йили
яқунланаётган шу

кунларда
мустақил

Ватанимиз
тараққиёт ва
фаровонлик
йўлидан дадил
бормокда.

Мамлакатимизда
юксак
мақсадларга
эришиш учун
барча
имкониятлар ишга
солинмокда.

"АКАДЕМИЯ" – ЖИДДИЙ ВА БАРҚАРОР ЖАМОА

"Академия" олий лигага йўлланма олгач, нафақат Ватанимиз футболининг нуфузли жамоасига айланди, балки дастлабки кунлардан ҳар бир рақиб билан муносиб ўйинлар кўрсата бошлади. Боз устига, миллий чемпионатда қатнашаётган талайги на етакчи клублардан ўзиб кетди ва очко тўплашни давом эттириб, биринчи бешликдан мустақам ўрин эгаллади. Бу эса дебют учун қатта ютуқдир.

5



Нашр кўрсаткичларимиз:

Газеталар

"Постда" - 180

"На посту" - 169

Мурожаат учун тел.: 139-77-23, 139-73-88

Журналлар

"Qalqon" - 970

"Щит"

- 971

ОНА "ИБРАТИ"

Унинг харакатларидан ҳайратда қолган қиз ниҳоят бу ишлар ҳазил эмас, чинлигини, "севиб-севилдим" дегани пасткаш ва тубан бир шахс эканлигини англаб етди ва ҳўнграб йиглаб юборди.

15

ҲАСАД ЖИНОЯТТА БОШЛАДИ

Олмахоннинг пешонасига тузукроқ эр битмади. Биттаси ўғрилик килиб қамалиб кетди, иккинчиси корордори сотаётгандага қўлга тушди. Ўзи эса бирор ҳунарни эгалламади, далада ишлашга бўйни ёр бермади.

15

Tabassum +TV

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ПРОКУРАТУРА ТҮГРИСИДА

(янги таҳрири)

“Прокуратура түгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚА-
РОР ҚИЛАДИ:

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура түгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Конгасининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда, № 6, 266-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 145-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2001 йил 29 августан**I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР****1-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиласиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан бўён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқук ҳамда эркинликларни, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларни, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқук ҳамда эркинликларни таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қилирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш; судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда ҳўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоқча олингандарни сақлаш жойларида, жиноят жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларни ижро этиш чогига қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятнинг асосий принциплари

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятнинг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкорлаклир.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиласиган ягона марказлашган тизими ташкил этади ҳамда қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Юқори турувчи прокурор қўйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятлашида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунувдан ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб тақиқланади.

Прокурорнинг файриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга ҳар қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсати-зиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турдилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегиши Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

6-модда. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар тусунтиришилар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиши тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийидир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

7-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг

бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласи.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегиши давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларнига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижаларига бўйича прокурор қарор қабул қиласи, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органлари улар бўйича иш юритиш тугатиди, янги очилган ҳолатларни бундан мустаснодир.

8-модда. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолият мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қилирув

фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишили органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириди.

Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш ҷаҳори, ишчи гурухлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Коқақалпогистон Республикаси прокурори тегишинча Ўзбекистон Республикаси ва Коқақалпогистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиши хукуқига эга.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этишига ҳақли.

II БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ**10-модда. Прокуратура органларининг тизими**

Прокуратура органларининг тизими қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Коқақалпогистон Республикаси прокуратураси; вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратурулари; туманлар ва шаҳарлар прокуратурулари;

вилоят прокуратуруларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;

туман прокуратуруларига тенглаштирилган ҳарбий окружлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратурулар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Соликда оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

11-модда. Прокурорларнинг ваколат муддати

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Коқақалпогистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати – беш йил.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ҳамда лавоз

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ПРОКУРАТУРА ТҮГРИСИДА

(яңги таҳрири)

(Боши 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳайъатнинг таркибини тасдиқлаш түгрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражали унвонлар бериш түгрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади;

прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

прокуратура органлари ходимларини "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкракнишиони билан тақдирлайди;

бўйруқлар чиқарали ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари түгрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик түгрисидаги битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амала оширади.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг бўйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал ҳусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади.

14-мода. Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдидаги ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати түгрисида – мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар түгрисида - зудлик билан;

прокуратура органлари амала оширган ишлар түгрисида – ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради.

15-мода. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қиласи, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори олдидаги ҳисобдордир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туман, шаҳар прокуратуруларининг ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларнинг фаолиятига раҳбарлик қиласи, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг бўйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган бўйруқлар чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошликлари ҳамда уларнинг ўринbosарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички ҳавфисизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор-криминалист Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурор-криминалистлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар ишлар бўйича прокурорлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглashingтирилган прокурорлар томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

16-мода. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратурулар

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиласи, улар Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ҳамда лавозимидан озод этиладилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглashingтирилган прокурорлар тегишинча туман, шаҳар прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларнинг фаолиятига раҳбарлик қиласи, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан тасдиқланадилар.

асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган бўйруқлар чиқаради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглashingтирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ўринbosари бўлмиш. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қиласи.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуруларида ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларда бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошликлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички ҳавфисизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошликлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички ҳавфисизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг ва уларга тенглashingтирилган прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларни тегишли прокурорлар раҳбарлик қиласи, улар Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Туманлар, шаҳарлар прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратуруларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиласи, улар Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар. Бу прокурорлар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдидаги ҳисобдордилар.

Туманлар, шаҳарлар прокурорларни тегишли прокурорлар раҳбарлик қиласи, улар Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглashingтирилган прокурорлар томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар. Бу прокурорлар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдидаги ҳисобдордилар.

17-мода. Туманлар, шаҳарлар прокуратурулари ва уларга тенглashingтирилган прокуратурулар

Туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглashingтирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглashingтирилган прокурорлар томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

18-мода. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузурлаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураши департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси ҳузурлаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураши департаменти (бундан бўён матнда Департамент деб юритилади) ташкил этилади. Департаментта лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ўринbosари тенглashingтирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Департамент бошлиги раҳбарлик қиласи.

Туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглashingтирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганичилари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглashingтирилган прокурорлар томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

19-мода. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратура органларининг ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори (раис), унинг биринчи ўринbosари, ўринbosарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркиба ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби тегишли прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадилар.

20-мода. Қонулар ижроси устидан назорат

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонуларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституяси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

21-мода. Қонулар ижросини текшириш

Қонулар ижросини текшириш қонуларнинг бузилаётганилиги түгрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласидаги ҳолатда эканлигиндан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

22-мода. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор қонуларнинг ижро этилиши устидан назоратни амала ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, бўйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати түгрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасаруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

манасбдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши ҳусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга қақидиди.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа ҳужжатларидан назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

23-мода. Ҳужжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятта прокурорнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги

Ҳужжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятта прокурорнинг бевосита аралашувига, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаршига йўл қўйилмайди.

24-мода. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳукуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

25-мода. Прокурорнинг вак

Tabassum +TV

Постоян газетасининг یловаси

HAFTALIK

DASTURLAR



ТАНИКЛИ КИШИЛАР
БИЛАН УЧРАШУВ,
ХИКОЯ, ҲАЖВИЯ, ҲАНДАЛАР,
СКАНВОРД, КРОССВОРД,
МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ,
ИНТЕРНЕТ ҲАБАРЛАРИ

"Академия" олий лигага йўлланма олгач, нафакат Ватанимиз футболинг нуфузли жамоасига айланди, балки дастлабки кунлардан ҳар бир рақиб билан мунособ ўйинлар кўрсата бошлади. Боз устига, миллий чемпионатда катнашаётган талайгина етакчи клублардан ўзиб кетди ва очко тўплаши ни давом эттириб, биринчи бешликдан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу эса дебют учун катта ютуқдир.

"АКАДЕМИЯ" – ЖИДДИЙ ВА БАРҚАРОР ЖАМОА

Тўғри, мавсум бошланиши арафасида посонлар жамоаси олдига бундан ҳам юқори натижаси қўлга киритиш вазифаси қўйилган эди. Нафисаламбрини айтганда, бунга маълум даражада эришилди ҳам. Бу йил "Академия" мегаллардан бирини қўлга келибди, деб ўйлайсиз. 1994

дай шубҳа йўқ. Ишни нимадан бошлаган эдингизлар?

– Бундан етти йил илгари бир кун келиб биз ҳам олий лигага иштирок этишимиз, ўзингиз таъкидлардек, муваффақият қозонишимиз кимнинг хаёлига ҳам. Бу йил "Академия" мегаллардан бирини қўлга келибди, деб ўйлайсиз. 1994

лаб ўрганган ИИВ Академияси раҳбарияти оёққа бардам туриб олишимиз учун бор куч-ғайратини аямади.

– Кўпчилик бу йўлга бир нечта мавсум давомида эришади. Сиз эса бирдан ҳал этиб қўяқолдингиз. Эҳтимол шу сабабли ҳам 2000 йил "Машъал" билан бўлиб ўтган учрашув баъзи мишишлар тарқалишига сабабчи бўлгандир?

– Одатда муҳлисларнинг кўплиги фикрлар ранг-бранглигига олиб келади. Сиз тилга олган учрашувда муборакликлар руҳий жиҳатдан имкониятни бой бердилар. Улар турнирда узоқ вақт етакчилик қилиши, шу боис, кучлilar сафидан ўрин олиш учун ҳеч нарса тўсқинлик қilmайдигандек туюлди. Эҳтимол, ўз кучларига ортиқча баҳо бериб юборишгандир. Биз эса ўша кезлари етакчини қувиб этиш хоҳиши билан ёнардик, футbolchilarimizning кайфияти ҳам кўтаринки эди. Шу сабабли маррага етганда ишончли ўйин кўрсата олдик. Миш-мишишларга келсак, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: ўша кезлари ҳам, ҳозирда ҳам ўзимизга тегишли масалаларни мустақил, ташқаридан бирор кўмаксиз ҳал этганимиз ва этаямиз.

– "Академия" молијавий жиҳатдан энг барқарор жамоа дейишиди. Шу гап тўғрими?

– Бошқалар ҳақида фикр юртмоқчи эмасману, аммо бизда ҳақиқатдан ҳам ташвишга солаётган алоҳида муаммолар йўқ. Устозлар ва ўйинчилар билан ҳисоб-китоб қилинадиган маълум смета мавжуд. Шуни ҳам унутмаслик керакки, футbolchilarнинг аксарияти кийим-кечак, озиқ-овқат ва пул билан таъминланган ИИВ Академияси тингловичларидир. Шу ўринда рақамлар келтиришни истамайман, зеро, бу бизнинг мулкимиз, қолаверса, жамоанинг тижорат сири. Аммо футbolchilar нолимаётганинг ўзи бу борадаги аҳвол қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

– Эришилган ютуқларда моддий-спорт базасининг барча бандларини синчик-

алоҳида ўрни бўлса керак?

– Албатта. Академия раҳбарияти футбол, шунингдек, спортнинг бошқа турларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Ажойиб спорт заллари, тренажё-

қилдик. Сўзда фикрларимиз кўлланса-да, амалий бирор чора кўрилмади. Бу эса сўзсиз, футболчиларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Бир қатор ўзимизни оқлаб бўлмайдиган йўқотишларга ҳам йўл кўйдик. "Семур", "Кимёгар" жамоалари билан бўлиб ўтган учрашувлар бунинг тасдиғидир. Лекин бунда футbolchilarни айблаш адолатдан эмас. Зоро, футбол марафонининг бошидан охиригача масофани барқарор босиб ўтиш ҳатто таникли Европа клубларига ҳам оғир кечади. Биз эса дастлабки қадамларни кўяяпмиз. Умуман, жамоанинг ўйини менда қониқиши ўйғотди. Келгуси мавсумда медалсиз қолмаймиз, деб ўйлайман.

– Жаппор Юнусович, шунча яхши гапларга қарамай жамоа чемпионат медалларидан бирини қўлга кирича олармикан?

– Мавсум олдидан олдимизга шундай вазифа кўйган эдик. Агар турнир жадвалига дикқат билан разм солсангиз бунга эри-

лар, сауналар бизнинг ихтиёrimизда. Футбол жамоамиз иккита ўйингоҳдан фойдаланади. Машқлар ва ўринбосарларнинг учрашувлари бевосита Академия майдонида, шунингдек, "ЖАР" ўйингоҳида бўлиб ўтади.

– Жаппор Юнусович, шунча яхши гапларга қарамай жамоа тасдиқлади. У киши билан машқлар ўтказилаётган ўйингоҳ четида сұхбатлашдик. Ёмғир ёғиб турибди, лекин футbolchilar буни сезмайтганда, мураббийнинг кўрсатмаларини аниқ бажарига ҳаракат қилишашти.

– Бундай тактик схемани кўллаш мажбурий чорадир. Натижага келсак, яна қайтариб айтаман, бу – жамоа якдил бўлиб тўп сурғани мевасидир, замонавий футболда ярим ҳимоячи ҳам, ҳимоячи ҳам тўп киритишни үддалаши керак. Аммо шунга қарамай бизни бир муаммо ташвишга солаяпти. Бу "Пахтакор"да ўйнаган Миржалол Қосимов каби етакчи ўйинчимизнинг йўқотигидир. У йигитларни ортидан эргаштираси, керакли пайтда масъулиятни ўз зиммасига ола билар, бир сўз билан айтганда, жамоанинг ўзиги. Айни пайтда шундай ўйинчини излаштирамиз. Бу вазифани ҳал этиш учун мавсумлар оралиғида чет эл клубларига эътибор қаратишимиға тўғри келади, чоғи.

– Владимир Евгеньевич, гап жамоани жамлаши хусусида бораётган экан, айтингчи, келгуси йил таркибда катта ўзгаришлар бўладими?

– Аниқ бир нима дейиши учун ҳали вақт эрта, аммо ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бир неча футbolchini трансферга кўймоқчимиз, сафимизни кучайтириш хусусида ҳам ўйлаб кўришимизга тўғри келаяпти. Бунинг учун олий тоифадаги уч-тўрт футbolchi керак. Олдимизда жиддий вазифалар турибди.

– Агар сир бўлмаса улар билан ўртоқлашсангиз.

– Нафақат чемпионат медаллари, балки кейинчалик Осиё чемпионлари кубоги, Осиё кубок эталари кубогида қатнашиш ниятилиз бор.

– Режаларингизнинг амалга ошишини тилаб, мазмунли сұхбатнинг учун миннатдорчиллик билдираман.

Ярослав КОРУКА
сұхбатлашиди.



Х. КАМОЛХЎЖАЕВ.

ритади, деб айттолмайман, аммо ҳамиша олдинга интилиб тўп суриши мақтоворга лойиқдир. Жамоа таркибида алоҳида ажралиб турувчи ўйинчилар бўлмаса-да, олий лигадаги ҳар бир нуфузли жамоани енга олиш қобилияти билан кўпчиликни таажжуға солиб, катта қизиқиши ўйғотмоқда.


Ана шу камдан-кам учрайдиган иқтидорининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ҳамда муштариликларни "дағал" дебют билан яқиндан танишириши мақсадида "Академия" жамоаси бошлиги Жаппор КАМОЛХЎЖАЕВ ва бош тураббий Владимир ЖУКОВСКИЙлар билан сұхбатлашиди.

– Жаппор Юнусович, ҳозирда жамоа номини фут бол муҳлислари севиб тилга олишади. Дебют муваффақиятли чиққанига ҳеч қан-

шиш мумкиндек туюлади. Аммо қайсидир жамоа, қаердадир бунга йўл бермади, баъзан ўзимиз ҳам хотага йўл кўйдик. Маълум очколар эса айрим учрашувларга паст савида ҳакамик қилингани учун йўқотилди.

Ҳали-ҳануз Фарғона, Намангандаги учрашувлар чоғида футbolchilarimizни очиқдан-очиқ "ерга қапиштишгани"ни афсус-надомат билан эслайман. Ўшанда ўз фоизли пенальти белгиланмади, киритилган тўп ҳисобга олинмади. Бундан ранжиб, футbol federasiyasi хат билан мурожаат

танидан бунга маълум да-



В. ЖУКОВСКИЙ.

– Владимир Евгеньевич, шундай об-ҳавода машқлар ўтказиши...

– Машқлар жараёни меъёрига қатъий амал қилиш ва юксак интизом, назаримда, айнан шулар жамоани бирлаштиради, ўз олдига кўйган мақсад сари интилишга ўргатади. Эҳтимол сўзларим баландпарвоз эшишилар, аммо мен Германия терма жамоаси йўналишига мослашиб бораяпман.

– Жамоа "юлдуз"лар сафидан ўрин олмаган бўлса-да, ўзига хос ўйин кўрсатадеп танидан бунга маълум да-

ЖАНОБ БИННИНГ АВТОМОБИЛЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Таникли актёр Роуз Аткинсон жаноб Бин роли билан шұхрат қозонған. Үзининг аҳмоқона ҳазиллари ва мимикаси билан миллионлаб томошабинларни күлдіради. Бирок ҳаётда Роуз Аткинсон экрандаги қаҳрамонидан тамомила фарқ қиласы.


РОУЭН АТКИНСОН ПОЙГАЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДЫ

У хотини Сенетра ва икки фарзанди Лили ва Бен билан бирга Оксфордан унча узоқ бұлмаган жойдаги ҳашаматли үйіда яшайды. У спорт автомобилларининг ашаддий ишқибози. Аткинсон уларни коллекция қилиши билан бирга, уларнинг қақиқий билимдени сифатида ҳам танилган. Үзининг 1958 йилда ишлаб чиқарылған "Эст Си Бристон" машинасида "Париж - Ла-Рошель" бүйлаб уюштирилған учун күнлик автомобиллар мусоба-

қасида иштирок этиб, буни исботлади.

Аткисоннинг коллекциясыда эски автомобиллардан тортиб, ҳозирги замонавий спорт машиналаригача бор. Роуз "Ламборгини-Диабло" машинасида "бозор-ұчар" га боришни яхши күради ва автомобиль салонини маңсулотларга тұлдириб келади.

"Жаноб Бин" фильмі ва сериалда Р. Аткинсон инглиз миллий автомобили "Ровер-мини" да юради, дуч келган симёгочларни санаб үтиб, йүлда бораёттан йүловчиларнинг юрагига құркув солади. Худди үша "Мини" да Роуз премьераларға, дабдабали учрашувларға келади. Ва хизматчиларни, агар



машинаси билан бирор кор-хол содир бўлса, киноижозини



Инглиз комик артисти машиналарни жуда яхши фарқлады ва ҳатто бошқаларга маслаҳатлар ҳам беради

ишидан чиқарғанларни учун узоқ муддат қамоққа тушишлари мумкин деб қўрқитади.

Бир куни кўп давом этган суратга олиш жараёнидан сўнг Роуз бегона "Мини" га ўтириб (калитнинг тушганини қаранг) уйига кетиб қолган.

Бин автомобилларга бағишлиланган журналга мақолалар ёзади.

Спорт автомобилларининг қимматлашиб кетаётгани Роуз Аткинсонни қўшимча даромад топишга ундаяпти. Кинодан келаётган даромад ҳам кам эмас. Шундай бўлса-да, у вақти-вақти билан Британиянинг "Саг" журналига мақолалар ёзиб туради.

**РУЛДАГИЛАР УЧУН
ҲАНГОМАЛАР
КАРБЮРАТОРДАГИ
СИЧҚОН**

Яқинда Голландиядаги бир хурматли хоним файритабий сабаб билан ҳалокатта учради. 1978 йилда чиқарылған унинг "Тальбот" русумдаги автомобили, тўсатдан бошқарувини йўқотиб бошқа машинага урилади. Автомобилънинг техник ҳолати текшириб кўрилганда, ҳалокатта ҳаво тозаловчи фильтрда яшаетган... сичқон айбор эканлиги аниқланди. Полиция вакилининг сўзига қарангда сичқон автомобиль карбюратори қопқогининг дросселини беркитиб кўйган, натижада педаль босилмаган. Текширув пайтида ҳолокат сабабчиси қочиб қолган.

ЙХХДИНИНГ ЯНГИ ЛОЙХАСИ

Россиянинг ЙХХДИ (Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат инспекцияси) ўз сафида порахўрликка қарши қаратилған жарима пластик картасининг лойхаси тайёрланяпти. Яъни ҳайдовчи аввалдан бу картани сотиб олади (ҳали тартиббузарлик қилмасдан олдин), инспектор тартиббузарлик рўй берганда маҳсус асбоб ёрдамида картадан белгиланган пулни учиради.

Бунга жавобан яна бир лойхада пайдо бўлди: ҳар бир кишини армия хизматидан кейин 2-3 йилга қамоққа ўтказиш керак, кейин, агар ҳаётида у бирор тартиббузарликка йўл қўйса, аввалдан ўтириб чиқкан муддати ҳисобдан чиқарилади. Бу албатта, кутили, лекин мантиқ бўйича тўғри келмоқда.

Қидиув ишларини олиб борарканмиз, ўғрини тутишнинг иложи бўлмасди. Бир кун уни шаҳарнинг у четида кўришса, эртасига нариги чеккасида пайдо бўларди. Танишларидан бири Қозогистонга кетди деган хабарни айтib қолди. Лекин бу гапга унчалик ишонмадим. Кўнглимни у Тошкентда беркиниб юрибди, деган шубҳа тарқ этмасди. Нихоят, уни шаҳар чеккасида маҳаллаларнинг бирида, ёлгиз кампирнинг үйіда эканлиги, фақат кечқурунлари кўчага чиқаётгани хақида хабар топдик.

Эшикни тақиллатгандик, кўзойнак таққан кекса аёл чиқди. У кўлини кулоғига карнай қилди, демак яхши эшиятмайди. Ҳужжатимни кўрсатиб, уйни тинтуб қилишимиз кераклигини амаллаб тушунтирдим.

- Кимни қидирайпсизлар, чолим вафот этганига ўн йилдан ошли, - деди елкасини қисиб.

Василийнинг икки-уч хил суратини кўрсатдим.

Кампир суратларни қўлига олиб:

- Печкамни тузатиб бергани келганди, сенга беришта пулим йўқ, дедим. Кейин кўрмадим, - деди.

Ховлини текшириб юриб, бурчакдаги каталакка кўзим тушди. Илгари товуқ бокилган бўлса керак, атрофида патлар тўзиб ётибди. Товуқхонанинг томи ёпилган шиферлар назаримда яқинда алмаштирилганга ўхшади. Яқинроқ бориб шиферлардан бирини кўтардим, юзини қўли билан беркитиб Василий ётарди.


- Кампирда айб йўқ, у менинг бу ердалигимни билмайди. Мен ўзим кундузи беркиниш учун жой қилиб олганман, - деди Василий...

**Рустам АХМАДЖОНОВ,
милиция катта лейтенанти.
Шайхонтохур тумани.**

Жаҳондаги ЭНГ ҚИММАТ МАШИНА

"Лос-Анжелес Лейкерс" баскетбол жамоасининг таникли марказий ҳимоячиси Шакил О'Нил кўча муҳитида ўтсан, шунинг учун ҳам рэп, хип-хоп, бармоқ қалинлигидаги тилла занжирлар ва катта машиналар унинг жону дили.

"Машина қанча катта бўлса, шунча яхши", деб ҳисоблайди Шакил О'Нил. У үзининг фикрини амалда на-мойиш этиш учун баҳайбат "Жип"да юради. Машина ра-



диаторининг олд қисми рэп-перларга хос дабдабада "S" ҳарфи билан безатилған. "S" спорт устаси исмийнинг биринчи ҳарфи. Машинаси рақами ҳам ўзига хос - SHAQ.

"Момақалдириқ қуш"

"Форд"нинг "Тандерберд" ("Момақалдириқ қуш") русумдаги машинасини янги замонавий кўришида ишлаб чиқаришни йўлга кўйди. Бу машина ўтган асрнинг 60-

йилларида ишлаб чиқарылған бўлиб, автоҳаваскорлар орасида ҳаддан ташқари машҳур бўлған, бутун Америка бўйлаб "Тандерберд" муҳлисларининг ўз клублари тузилған.

Пёришкинлар ҳаммом қуриш учун арzon-гаров уста топганларидан хурсанд бўлишди. Чунки, уч-тўрт уста фалон сўм берасиз, деб оёғини тираб олганди. Василий эса иш ҳажмини кўриб, ўзингларга инсоф берсинг, кўп сўрамайман, деди.

Сергей дам олиш куни устанинг ишни кузатар экан, қўли гул экан, ҳаммом ҳам сайраб юборадиган бўлди, дея дилидан ўтказди.

- Камсуқумгина экан, овқат ҳам танламайди, энг муҳими, ичмас экан - деди хотини тушликдан кейин.

Пёришкинлар Василийга жуда ишонишиди. Кўринишидан кўй оғзидан чўп олмаган, ҳатто синик, яроқсиз гишпарчаларни ҳам хонадон эгасининг ижозати билан ахлатхонага элтиб ташлайдиган бу йигитта ишонмасликнинг иложи йўқ эди.

Шу орада эр-хотин икки боласини олиб, кўшни вилоятдаги қариндошиникига тўйга борадиган бўлишди. Василий камтарлик билан:

- Менга бироз нон ташлаб кетсанглар бўлди, - деди.

Уй бекаси нафақат нон, музхонага овқат учун керакли масаллиқларни жойлаб кўйди.

Уч кун ўтиб уйга келган эр хотин Василийнинг ҳалол йигит эканлигига яна бир бор тан бериши. Музхонадаги масаллиқларни кўл теккизилмаганди.

- Уй эгаси йўқ бўлса, бирор нарсага тегишга кўнглим бормайди, - деди Василий.

Жиноят-қидиув хизмати воқеалари

УСТАНИНГ ЎЙЧАСИ

Пёришкинлар ҳаммом қуриш учун арzon-гаров уста топганларидан хурсанд бўлишди. Чунки, уч-тўрт уста фалон сўм берасиз, деб оёғини тираб олганди. Василий эса иш ҳажмини кўриб, ўзингларга инсоф берсинг, кўп сўрамайман, деди.

Пёришкинлар икки-уч кун кутишиди, лекин дарак йўқ.

- Яшаш жойини билиб олмабиз-да, - деди Сергей хотинига.


Ўрта бўйли, озгиндан келган, сочини ташлаб олган, узун оқ кўйлакдаги ўн етти ёшли қиз гулхан олдига бориб, тўпланганларга таъзим қилди. Сўнгра ўтдан қизиб, қип-қизил чўғга айланган металл симлар устига аста ётди. Олов ўнинг танасини бир зумда исканжага олди. Бундан даҳшатта тушиб бақириб юборган одамлар зум ўтмай яна жим бўлиб қолишиди. Чунки олов қизга зигирча ҳам таъсир қилмаётгани яққол кўриниб турарди. У металл симлар устида ўз ҳолатини вақти-вақти билан ўзгартириб, бир соатта яқин бўлди. Охири юзини пастга қаратиб ётди...

Ўтказилган тадқиқот бўйича ёзилган баённомада шундай сўзлар бор:


“унинг кўзлари доим ёпиқ

бўлиб, худди ухлаётгандек тууларди”. Мария ўзининг оловли “ўринидиги”дан туриб келгач, қўшни хонада уни шифокорлар ва сарой хонимлари синчиклаб кўздан кечиришиди. Баданинг бирорта кўйган жойи ўйқ эди. Кийими ҳам бус-бутун. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Теологлар қизни “яратганинг қўллари сақлаб қолди, чунки у бегуноҳ”, дейишиди. Аммо бундай нонани ҳулосадан табиики, ҳеч ким қониқмади. Мария лагча чўғга айланган темирни қўлига олар, кафтига эриган қўроғосин қуяр ва ҳатто унга тилини теккизар эди. Бироқ қайнаб турган сув ёки ёғга қаршилик кўрсантишга ожизлик қиласиди. Аёл ўй юмушларини бажараётганда шулардан бир неча марта кўйиб қолган эди.

Мариянинг кейинги ҳаёт ҳакиқати маълумотлар сақланиб қолмаган.

“Пожарное дело”дан олини.



Энига: 1. Мўйлов. 7. Ибодат қилувчи. 9. “Буратинонинг саргузаштари” эртагининг ҳаҳрамонларидан бирининг исми. 10. Насл. 11. Брюс... 14. Но-мус. 14. Фалаён. 15. Факультет маъмурияти. 17. Лафз. 18. Ўйғун асари. 20. Руҳий қийналиш. 21. Микроавтобус русуми. 25. Илоннинг “оти”. 24. Ко-рейсча фамилия. 26. Кундузи иззатда. 27. Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларидан бири. 29. Падар. 31. Тўқимачилик хом ашёси. 33. Хизматкор. 34. Мурод Муҳаммад Дўстнинг романи. 37. Лутф. 40. Самарқандда ишлаб чиқариладиган музлаттичининг номи. 41. Тоф жинси. 42. Доно. 44. Самолёт русуми. 45. Таъкид юкламаси. 46. Машхур инглиз детектив ёзувчиининг исми. 48. Ҳайратни ифодаловчи сўз. 49. Ҳарорат. 50. Ўтин ёрувчига аскотади.

Бўйига: 1. Африкадаги давлат. 2. Нов тури. 3. Ҳибсона. 4. Машхур Америка ёзувчиси (исми). 5. Тўйинган кислород. 6. Ясама аъзолар. 7. Тарбияли. 8. Кесакда бўлмайди (ҳазил). 12. Юлдуз. 13. Садқа. 16. Биринчи дарслик. 19. Фаллапоя. 23. Қариндош. 25. Ризқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзи. 28. “Қайнона” фильмидаги келиннинг исми. 30. Удум. 32. Ҳаёлий. 35. Душманлик. 36. Үнга хиёнат қилиш керак эмас. 38. Кўшин. 39. Кимёвий атама. 43. Оптик асбоб. 47. Марҳум, машхур футболчи, “Пахтакор” жамоасининг аъзоси. 48. Устаси фарант.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ

ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 3. Жасорат. 7. Мантиқ. 8. Конрад. 12. Лемма. 13. Потомак. 14. Аскар. 15. Бокс. 18. Маас. 19. Дон. 20. Овчарка. 21. Шам. 24. Чойхона. 25. Монтана. 26. Йод. 27. Аллома. 29. Фарҳод. 30. Автомат. 33. Мукофот. 34. Милиция. 36. Сочи. 38. Сукунат. 39. Низо. 40. Исм. 41. Лок. 44. Қактус. 46. Арапрат. 47. Акордеон.

Бўйига: 1. Раҳимов. 2. Малоҳат. 4. Ой. 5. Танавор. 6. Баракат. 9. Терғовчи. 10. Пло. 11. “Шайтаннат”. 16. Солнома. 17. Габрово. 18. Маҳорат. 22. Айланувчи. 23. Талончилик. 28. Автобус. 29. Фазилат. 31. Баш. 32. Тир. 35. Бурд. 37. Истак. 39. Норак. 42. Этник. 43. Баҳо. 45. Стол. 46. “Аида”.



ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК ТАОМИЛИ

Дам олиш куни эрталаб ўрнимдан турсам қизим лунжини ушлаганча йиглаяпти.

— Туни билан тиши оғриб чиқди, — деди хотиним.

Нонуштадан кейин қизимни етаклаб таниш стоматологнинг олдига бордик. У илиқ кутиб олди, кейин қизимнинг тишини күриб:

— Даволаб бўлмайди, куруқ илдизи қолибди, сувуриб ташлай қоламиз, — деди.

— Хизмат ҳақи қанча бўлади? — сўрадим ундан.

— Сиздан пул олсак уят бўлар, — деди у қизимни хонасига бошлаб экан.

Орадан бироз фурсат ўтгач қизимни етаклаб чиқди.


— Мана, болангиз оғриқ тишдан қутулди, — деди танишим қўлини кўксига кўйиб. Сизга бир илтимос бор эди.

— Марҳамат, кўлдан келадиган бўлса...

— Албатта келади. Сиз кўпроқ хизмат сафарида бўласиз, айниқса, тоғли жойларда. Тоза тог аслидан иложи борми?

Йўқ деяолмадим, чунки таниш-билишчилик бор ўртада.

Хафтанинг иккичи куни ўғлим спорт мураббийси сўраётганини айтди. Вақт топиб, олдига бордим.



Машқ ўтказаётган экан, ишни ўринбосарига топшириб, хонасига бошлади.

— Айба буюрмайсиз, ўйлаб кўрсан, болаларнинг ота-оналари ичидан энг яқини сиз экансиз. Шунинг учун йўқлагандим, — деди.

Гапнинг нишабини тушишиб:

— Нима хизмат бор эди? — деди сўрадим.

— Айтишга ҳам ноқулав, лекин сиз мени тўғри тушунасиз, албатта. Уйни таъмирлаётгандик озигина бўёқ етмай қолди. Мен ўғлингизга ёзib берганман, — деди қўлини кўксига кўйиб.

Ўтган йили гурухлар тўлди, деб кўпчиликнинг ўглини қайтарганда, менинг бир оғиз сўзимга йўқ демаган. Шу боис иложи топмасам бўлмайди.

Хафта охирида ўғлимдан бўёқни бериб юбордим.

Ишхонада ўтиргандим телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтартсан, жияннинг овози.

— Тоға, машинам бузилиб қолди, сервисга обормасам бўлмайди.

— Олиб боравер, нима кўп, сервис кўп.

— Тоғажон, танишингизга олиб борайлик, арzonроқ тушарди-да.

Нима ҳам қилардим, жиян-жиян-да.

— Баҳромга олиб борасанми, мен айтиб қўяман, — дедим.

Икки кундан кейин жиян яна қўнгироқ қилди.

— Тоға, машина михдай бўлди, Баҳром aka пул олмадилар, бир учрашаркансиз.

Ишдан кейин бу танишим нима таъма қиласар

кин, деган хадикда олди-га бордим.

— Йўқламасам келмайсиз, бир отамлашайлик. Қайнатма бицирлаяпти, ҳозир ювиниб олай, дам оламиз, — деди Баҳром уста.

Бу мулозаматнинг тагида каттароқ илтимос борлигини юрагим сезиб турарди. Икки мартадан пиёла айланиб, шўрва ичип бўлингандан кейин уста муддаога ўтди.

— Сиз кўп идораларни яхши биласиз, биз оддий ишчи; темир-терсакдан бошқа нарсага ақлимиз етмайди. Ҳозир куч-куват борида болалар илмли бўлиб қолсин, деган ният бор. Ўртанча ўғлимиз мактабда анча тузук ўқиди. Бирорта ўқишини бошини ушласа дегандим.

— Ўзи бирор касбга қизиқадими? — сўрадим.

— Курувчи-инженер бўлармиш, коллежга эса таниш-билиш бўлмаса, останасига яқинлашманг дейишияпти.

Хуллас, қурилиш коллежидаги танишимнинг икки ҳамасбини чойхонада кутиб олдим. Устанинг ўғли ўқишига кирадиган бўлди.

Яна бир кун ён қўшним қизининг тикувчилик курсини тутагиб, иш ахтараёттанини айтиб қолди.

Ҳажвия

— Модалар ательесига бора қолмайдими? — деб сўрадим.

— Таниш керак экан-да, — деди қўшним менга илтижоли боқиб.

Ён қўшни-жон қўшни, бир бирига ҳамдам қўшни. Ўтган йили бир жияннинг ишга олган танишим эса тушиб қолди.

— Мен бир суринтирай, — дедим қўшнингма.

Ишхонадаги телефон дафтарчасидан модалар ательесининг рақами топдим. Кутиб тургандай танишимнинг овози келди.

— Энди жияннингиздан сизни сўрамоқи эдим, — деди аёл йўқотган нарсасини топгандай.

Хол-аҳвол сўрашгандан кейин, мэндан олдин ўзи муддаога ўтди.

— Ҳаммом қураётгандик, озигина қувур етмай қолди, сизни яқинроқ тутиб айтипман, — деди ялинган бўлиб.

Эртасига қўшнимнинг машинасида қувур билан қизини модалар ательесига олиб бордим.

Кечқурун уйга келсан хотиним газлаштириш идорасидан вакил келиб, албатта ҳисоблагич қўйилиши кераклигини тайинлаб кетганини айтиб қолди. Нима қилсан экан, мен ҳам танишлардан бирига илтимос қилайми? Ахир, таниш-билишчиликнинг таомили шунаقا экан-ку!

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Ханқалар

Кўргазмада бир аёл жулдури кийимдаги дайди тасвирланган расм олдига узоқ туриб қолди. Дугонаси уни кўлидан тортиб:

— Кетдик, нимасини мунча томоша қиласапсан?

— Қарасанг-чи, тузукроқ кийим сотиб олишга пули йўғ-у, портретини чизишга буюртма берганига ўлайми.

Тоғ овулида яшовчи қария 100 ёшини нишонлади. Мухбир ундан узоқ умр кўриши сабабини сўради:

— Аниқ жавобини учтўрт кундан сўнг айтишим мумкин, — дейди қария. Гап шундаки, мен икки реклама фирмаси билан музокаралар олиб бормоқдаман: бири мусалласни, иккинчиси эса маъданли сувларни рекламаси билан шуғулланади...

Эр тунда қарта ўйинидан уйга қўйтганидан сўнг хотинига мақтаналяти:


— Бугун менинг роса омадим чопди! Кеча 200 долларга сотиб олган янги костюмимни 600 долларга ютқаздим!

Сартарош мижозни икки марта бошини кесиб олганидан сўнг вазиятни юмшатиш учун:

— Сиз сартарошхонамизга илгари ҳам келганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ, қўлимни урушда ийқотганман.

Б.АЗИМОВ тўплагай.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ПРОКУРАТУРА ТҮГРИСИДА

(янги таҳрири)

(Боши 3-, 4-бетларда).

Фуқаронинг ҳуқук ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларининг бузилишини жиноят хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирида прокурор жиноят иши қўзгатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноят жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятга эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

29-модда. Прокурорнинг судга давоси

Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилиналиганинг ҳуқук ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соглиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқук ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятiga эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда кувватлайди.

3-боб. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

27-модда. Назорат предмети

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришининг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишилари устидан назорат предмети ҳисобланади.

28-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишилари устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида:

- суроштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суроштирув, тезкор-қидирив фаолиятинг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қиласи;

содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камидан бир марта текширади;

терговчилар ва суроштирувчиларнинг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларни бекор қиласи;

жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгариши ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айrim тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

суроштирув органларига фуқароларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтуб ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги, шу жумладан прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувда бўлган ишлар юзасидан қарорларни ижро этишини топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суроштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айrim тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмада амалга оширади;

тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

жиноят ишларини суроштирув ва дастлабки тергов органларига кўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай жиноят ишини суроштирув органидан олиб терговчига беради, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради;

жиноят ишларини қўзгатади ёки уларни қўзгатишни рад этади, жиноят ишларини тутатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тутатишига розилик беради;

айблов холосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишни судга юборади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида

назарда тутилган тартибида берган терговолди текшируви ўтказиш, жиноят ишлари қўзгатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суроштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийdir.

29-модда. Прокуратура органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш

Прокуратура органлари жиноят-процессуал қонунга биноан ўз ваколатларига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан тергов ўтказадилар.

Прокурор ҳар қандай жиноятни тергов қилишни ўз иш юритувига олишга ёки ўзига бўйсунувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда тергов ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари ҳамда бошқа органларнинг терговчилари ва тезкор ходимларидан иборат тергов гурухини тузишга ҳақлиdir.

4-боб. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноят жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиши чогида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат

30-модда. Назорат предмети

Куйидагилар назорат предмети ҳисобланади:

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноят жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этивчи муассасалarda шахслар сақлашишининг қонунийлиги;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноят жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиши тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари кўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқук ва мажбуриятларига риоя этиши;

жиноят-ижроя қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этиши.

31-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноят жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиши чогида қонунларга риоя этишилари устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиши муассасаларига, тиббий йўсингидаги мажбуров чораларини ижро этивчи муассасаларга ваояга етмаганларнинг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек жиноят жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари кўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

ушлаб туриш, қамоққа сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиши муассасаларida, тиббий йўсингидаги мажбуров чораларини ижро этивчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг маҳсус ўқув-тарбия муассасаларida ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

агар қамоқда сақланаётган, қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга ҳуқум қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга номувофиқ бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлардан ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари кўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлачи, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этивчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан холи ҳолда ҳам сўраб-суроштиришга;

ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этивчи органлар ҳамда муассасалар матъмуряятларининг бўйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, тезкор-қидирив тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари кўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этивчи органлар ҳамда муассасалар матъмурятидан талаб қилишга;

жазони ижро этивчи муассаса бошлигининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишига рухсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги, маҳкум аёлларнинг жазони ижро этиши муассасаси ташқарисида яшаши тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли;

32-модда. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилинишларни таъминлайдиган мажбуриятларни

Прокурор ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортисланган шахсларнинг жазони ижро этивчи орган ёки муассаса маъмурятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш хуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисидаги аризачига маълум қилиши шарт.

IV БЎЛИМ.

СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

33-модда. Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуни манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибида иштирок этади.

Прокурор судларда жиноят ишлари кўрилаётганда давлат айбловини кувватлайди.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг кўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Ишлар судларда кўрилаётганда иштирок этади прокурорнинг ваколатлари процессуал қонулар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиши принципига амал қилиши шарт.

34-модда. Ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор ёки унинг топшириғига биноан прокуратура органларининг бошқа ходимлари судларда бундай ишларнинг ҳар қандай тоифасини ўрганиб чиқиши ҳуқуқига эга.

Айблов холосасини, тиббий йўсинг

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ПРОКУРАТУРА ТҮГРИСИДА

(янги таҳрири)

(Боши 3-, 4-, 13-бетларда).

олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичидан берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган хужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

39-модда. Қарор

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўгрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўгрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичидан орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишида маълум қилинади.

40-модда. Тақдимнома

Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадиган шарт-шаротларни бартараф этиш тўгрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиши ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўгрисида бир ойлик муддат ичидан прокурорга ёзма равишида маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқилидиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисида иштирок этишига ҳақидидир.

41-модда. Ариза

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш хукуқига эга.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун хужжатларida назарда тутилган тартибида кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

42-модда. Огоҳлантирув

Прокурор фуқароларнинг қонун билан кўрилганадиган манфаатларига, хукуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар тайёрланаётганини хусусида ишончи маълумотлар мавжуд бўлганда хукуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига ўйл кўймаслик ҳақида ёзма равишида огоҳлантиради ҳамда хукуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушуниради.

Огоҳлантирув тўгрисида прокурор юқори турувчи органга (mansabдор шахсга), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

VI БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар

Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотта эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юқланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кічик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибида атtestациядан ўтказилиши лозим.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин.

44-модда. Прокурорлар ва терговчиларнинг қасамёди

Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланадиган шахс қўйидаги мазмунда қасамёд қабул қиласи:

“Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва вижданан бажаришга, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиласи”.

Қасамёд қабул қиласи тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

45-модда. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларини тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида ка-

мида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг хукуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига таракоран кўрсатилишига ўйл қўйилмайди.

46-модда. Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция тузилади.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқенини суистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолойик бошқа ножӯя ҳатти-ҳаракатлар тўгрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувни ўтказади.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ амалди.

47-модда. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура органлари эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

48-модда. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат

Прокуратура органлари ва муассасаларida хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланаётгани Прокуратура органлари ва муассасаларida хизматни ўташ тўгрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

Прокуратура органлари ходимлari қонун хужжатларida белгиланган тартибида ўқотар курол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш хукуқига эга.

49-модда. Прокуратура органлари ходимларининг даҳлисилиги

Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиши прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий хукуқбузарлик ва интизомий ножӯя ҳатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг молдий ва ижтимоий таъминоти

Прокуратура органлари ходимларидан иш ҳақида маъносидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган мөъёлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

51-модда. Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила яъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Прокуратура органлари ходимларини ҳаётни ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда Республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибида сугурталанди.

Давлат сугурта органлари кўйидаги ҳолларда сугурта суммаларини тўлайдилар:

прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатилганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлигининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига – Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмida назарда тутилган миқдорда;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида – унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карраси миқдорида;

прокуратура органлари ходимига у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида – унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карраси миқдорида;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир

фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат сугуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб берилади.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила яъзоларига етказилган зарарнинг тўлови боқувчисини йўқотганлик муносабати билан тайинланган пенсия, ҳудди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва ўзга даромадларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан бօғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга иш ҳақи унинг оила яъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу мадданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, улар айбор шахслардан қонунда белгиланган тартибида кейинчалик ундириб олинади.

VII БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

52-модда. Ҳалқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ҳалқаро ҳамкорлик қонун хужжатлари ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қиласи.

53-модда. Ўз

Кураш

ЗЎРЛАР ИЧРА ЗЎР

Биз яқиндагина Термизда бўлиб ўтган Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун бўлиб ўтган анъанавий халқаро турнирда полвон Абдулла Тангриевни ажойиб ғалабаси билан табриклиган эдик. Куни кеча Нукусда бўлиб ўтган худди шундай турнирда А. Тангриев ўз мухлисларини яна бир бор хурсанд қилди.

Ушбу турнирда ўн давлатдан келган полвонлар голиблик учун бел олишилар. Таъкидлаш жоиз, бу сафарги беллашувларда аёллар ҳам иштирок этдилар ва ишонч билан айтиш мумкин, ўзларининг жисмоний ва техник маҳоратларини ажойиб тарзда намоён эта билдилар.

Кувонарлиси, бизнинг Кураш кўплаб хорижий давлатлар спортчиларининг ҳам меҳрини қозониб улгурди. Айниқса, олис Бразилия курашчилари сўнгги пайтларда ўтказилаётган барча мусобақаларда мунтазам қатнашиб, совринли ўринларни эталлаб келишмоқда. Нукусдаги мусобақада ҳам 48 килограмм вазн тоифасида аёллар ўтасидаги беллашувда Андреа Родригеснинг голиб бўлиши бунинг ёрқин исботиди.

Ўз юртдошининг ғалабали юришини Карлос Канорато ҳам тақрорлаши мумкин эди. Аммо унга бизнинг полвонимиз - халқаро тоифадаги спорт устаси Абдулла Тангриев рўбарў келди. Тажрибали динамочи ушбу беллашувни юқори савияда ўтказди ва ҳакамлар бир овоздан уни голиб деб топдилар.

"Турон"

МУТЛАҚ ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмусида "Турон" яккаураши бўйича Ўзбекистон мутлақ чемпионати бўлиб ўтди. Агар бундан олти йил аввал ўтказилган норасмий чемпионатни ҳисобга олмаганда, ушбу турнирни биринчи деб айтиш мумкин бўлади.

Чемпионатни Ўзбекистон давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринbosari O. Очилов очди ва иштирокчиларга омад тиради.

Ҳакамлар ғалаба кучлиларга насиб қиласи, деган иборага амал қилган ҳолда голибларни аниқладилар. Мутлақ, чемпион деган шарафга қуидагилар эга бўлдилар: А. Абдулохимов (Тошкент), А. Давлетов (Хоразм), К. Раҳмонов (Қарши), Н. Курбонов (Тошкент), С. Раҳимов (Бухоро),

Х. Эргашев (Қарши), У. Араббоев (Андижон), М. Ҳамроқулов (Наманган), Ф. Муҳамадиев (Навоий), М. Бўриев (Андижон).

Жорий йилнинг декабрь ойида Москвада жанговар санъат турлари бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилади ва унда 70дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этдилар. Ушбу нуфузли беллашувга йўлланмани республикамиздан уч вакил – А. Абдулохимов, А. Давлетов ва К. Раҳмоновлар кўлга киритдилар.

ЁРДАМ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

Тошкент шаҳар ИИБ томонидан "Эркин" ва "Насиба" (уларни шундай деб чакиришади) исмли фуқаролар устидан жинойи иш кўзгатилган. Улар ўта оғир жиноят содир этганинда айланадилар.

Белгилари: "Эркин" 40-45 ёшларда, тўла гавдали, сочлали қалин, қора, оқ оралаган, орқа томонга тарайди, қорачадан келган.

"Насиба" 40-45 ёшларда, ўрта бўйли.

Кидирилаётган бу шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки 02, 191-58-02, 191-53-94, 191-33-21, 191-49-83, 191-30-50, 191-50-11 ракамли телефонларга хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тибиёт бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси узок йиллар республика ИИБ тизимида хизмат қилган истеъфодаги ички хизмат подполковниги

Зухриддин Расулович МУҲАМЕДОВИНинг вафот этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Писмент тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, милиция старшинаси

Зафар TOFAEVнинг

бевакъ вафот этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ пост-патруль хизмати бўлинмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция катта сержанти

Ҳасан ЖЎРАЕВнинг

бевакъ вафот этганини муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси катта инспектори, милиция майори Аъзамкул Давронгва волидай мухтарамаси

ХУРРАМ аянинг

вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ралли

Мусобақага қизиқишиҳоидатда кучли бўлганлиги сабабли ташкилотчилар иштирокчиларнинг хавфсизлигига катта эътибор қаратдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари пойга ўтказилаётган худудларда кўнгилсиз ҳодисалар бўлмаслиги учун барча имкониятларни ишга солдилар ва бунга эришилар ҳам.

Чорвоқ сув омбори худуддаги трассада ўтган иккита кунлик муросасиз кураш сўнгидаги голиблар аниқланди.

Спорт автомобиллари раллисида биринчи ўринни спорт усталири экипажи - ака-ука Сергей (ҳайдовчи) ва Виктор (штурман) Горбуновлар эгаллашиди. Иккинчи ўрин "Ралли-спорт" клуби аъзолари Х. Узоқов ва С. Дровскийярла, учинчи пофона эса "Олимп-Нурон" клуби аъзолари А. Кондрашев ва Е. Кондрашевалардан



РАҲМАТ, КАПИТАН!

Спорт инсон саломатлиги учун сув ва ҳаводай зарур. Айниқса, йигитнинг полвонкелбатлиги фақаттинга тинимиз машқ туфайли юзага келади. Аскарлик либосини кийиб олган, руҳан тетик, жисмонан ба-куватт озаматга ким ҳам ҳавас-қилмайди, дейсиз.

Буни тушуниб етган бўлинмамиз аскарлари ўз олдиларига спорт билан мунтазам шугулланиб боришини мақсад қилиб ётказиб. Эрталабки бадантарбия машқлари одатий ҳолга айланаб қолган. Бундан ташқари, кўл жангни спорту севимли машгулиотимиз. Дунё спортида ўз

МАЙЛИ ЁМФИР, ҚОР ЁҒСИН...

Аввал хабар берганимиздек, "Сўғдиёна-2001" деб номланувчи авторалли табиатнинг табиии "инжикликлари" - аввалига кучли ёмфир, сўнгра кор ёғишига қарамай муваффақиятли ўтказилди. Унда турли русумдаги 50та автомашина иштирок этди.



иборат экипажга насиб этди.

"Директор" раллисида

эса Х. Юсупов, А. Холиқовлардан иборат экипаж маррага биринчи бўлиб этиб келган бўлса, қолган иккита фаҳрли ўринларни Ф. Азимов, А. Абдуқодиров ҳамда А. Шахобердинов, Р. Ахрорвлар банд этишиди.

Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиришим.

Суратларда: пойга йўлида; голиблар (чапдан ўнгта) Виктор ва Сергей Горбуновлар.

Ш. ЗУФАРОВ

олган суратлар.

шанба кунлари ўзаро шахмат, шашка, футбол бўйича беллашишиди.

Яқинда ўтказилган "Энг эпчил, энг чақон" деб номланган мусобақада биринчи бўлинма шахсий таркиби голиб чиқди.

Мана шундай ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлаётган бўлинмамиз сардорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Е. Ҳайитовга аскарларимиз номидан миннатдорчиллик билдираман.

Ҳасанбой АБДУРАЗОҚОВ,
оддий аскар.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Nashr uchun mas'ul
Erkin SATTAROV

Mas'ul kotib o'rinososari
B. AZIMOV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinososari 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muxbirlar
bo'ilimi 139-75-69.
Buhgalter 139-75-37
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston
Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

ABN AMRO Bank NV
O'zbekiston A.O.
20210000300447980002
MFO 00831, i/r
5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г — 3022. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqt — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.


Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji **47 856** nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.



Тошкент шаҳар ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси мута-

лигига керак. Томнинг устки қисмидан камида 600 миллиметр баланд кўтарилилган бўлиши лозим.

Ёнгинга қарши курилган бөлшини бориорлар хонадонларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмай, бирбирига ёнма-ён қуришади, ўртада оралиқ жой қолдирмайди. Бундай бөлор (тўсиқ) билан ажратишни таклиф этдилар.

Бундай бөлор (тўсиқ)ни пишиқ, хом гишт билан териб ёки бетон

лини ишга оширишади.